*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 13 сентябрь, чоршанба • № 72 (10.748) • Эркин нархда сотилади

*Ҳосил-95*

## ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

***кеча Янгийўл тумани пахтакорлари йиллик режанинг 1,5 фоизидан ортиқ пахта топширдилар. Вилоят бўйича эса бу кўрсаткич 1 фоиздан ошди***

ЯНГИЙЎЛ туманида ҳам биринчи ҳосил карвони йўлга чиқди. Давлат қабул пунктига дастлабки тонна қимматли саноат хом ашёси топширилди.

Ана шу воқеага бағишланиб Янгийўл пахта заводида ўтказилган йиғилишда бу йилги пахта ҳосилини ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан туманнинг барча аҳолисига қарата мурожаатнома қабул этилиб, ялпи сафарбарлик эълон қилинди.

Ҳосил карвонида салмоқли улуши билан қатнашган «Тинчлик» жамоа хўжалиги пахтакорлари яхши меҳнат қилиб, 940 гектар майдонда мўл ва эртанги ҳосил етиштирдилар. Улар бу йил гектаридан 27 центнердан хирмон кўтариб, ялпи ҳосил миқдорини 2490 тоннага етказишга аҳд қилишган.

Туманда қўл теримига биринчилардан бўлиб киришган бу жамоада машина теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Мавжуд 12 та пахта териш машинаси мавсумга тўла шай.

Вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам қўл терими оммавий суръатда бошланиб кетди. Бугун-эрта терим агрегатлари ҳам далага чиқади.

**СУРАТЛАРДА: 1. «Тинчлик» жамоа хўжалигининг 3-бригадаси хирмонида. Бригада бошлиғи А.Мирахматов (чапдан), жамоа хўжалиги раиси З.Зоидов ва илғор теримчи М.Нурхўжаевалар ҳосил чўғидан мамнунлар. 2. Янгийўл пахта заводи янги ҳосилни қайта ишлашга киришди. Корхона директори Илҳом Қозоқбоев (чапда) ва бош муҳандис Бекзод Турсуновлар Англиянинг Ливерпуль шаҳрига жўнатилаётган пахта тойларини кўздан кечирмоқдалар.**

**А.МАЛЬЦЕВ ва Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**





## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

*Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 12 сентябргача бўлган*

МАЪЛУМОТ

**(режага нисбатан фоиз ҳисобида)**

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Янгийўл | 1.54 | 4,68 |
| Бекобод | 1,53 | 3,29 |
| Чиноз | 1,00 | 3,22 |
| Оққўрғон | 1,14 | 2,68 |
| Пискент | 0,74 | 2,28 |
| Ўртачирчиқ | 1,14 | 2,11 |
| Бўка | 1,01 | 2,10 |
| Қуйичирчиқ | 0,41 | 1,20 |
| Юқоричирчиқ | 0,12 | 0,30 |
| Вилоят бўйича | 1,00 | 2,40 |

*Пахтакорнинг дил сўзлари*

## ҚАДР ТОПДИК

**Республикамиз деҳқонлари ҳукуматимизнинг пахта харид нархларини яна ошириш, хўжаликлар ҳисобида қоладиган пахта ҳажмини кўпайтириш ҳақидаги қарорини мамнуният билан кутиб олдилар. Бу ғамхўрликка жавобан вилоятимиз пахтакорлари 1995 йилда давлатга 280 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар. Ҳозирги кунда пахтазорларда ана шунга яраша мўл ва эртанги ҳосил етиштирилди. Бугун далаларда йиғим-терим мавсуми бошланиб кетди.**

Менинг касбим пахтакор. Кўп йиллардан бери пахтачилик бригадасини бошқариб келаман. Пудрат асосида ишлаймиз. Ҳар йили режа ва мажбуриятларимизни ошириб адо этиб келамиз. Бу йил ҳам 120 гектарлик пахта майдонидан 35 центнердан хирмон кўтаришни ният қилганмиз. Ҳозир далаларимизда жамғарилган ҳосил чўғи ана шунга яраша, десам янглишмайман.

Мен шу ўринда биз деҳқонларни бахт, иқболга мушарраф этган истиқлолимиз ҳақида дилимдагиларни айтмоқчиман. Мустақиллик шарофати билан ўз эркимизга эришдик. Қонуний ҳақ-ҳуқуқларимиз тикланди. Меҳнатимизга яраша рағбат олаяпмиз. Ҳукуматимиз дала меҳнаткашларига катта имкониятлар яратиб бермоқда. Энди ҳақиқий мол-мулк, ер эгаси бўла бошладик. Бундай ғамхўрликни доимо қадрига етишимиз, эъзозлашимиз керак. Унинг бош омили — эл-юртга ҳалол ва фидойи меҳнат билан садоқат кўрсатишдир. Бригадамиз аъзолари билан шунга ҳаракат қилаяпмиз.

1995 йилда ҳам ишни эрта баҳордан пухта ташкил этдик. Яхши тайёрланган майдонларга чигит апрель ойи бошларидаёқ экиб бўлинди. Қатор ораларига ишлов беришни эрта бошладик. Яганани ўз вақтида сифатли ўтказдик. Карталарда мўлжалдаги кўчат сақлаб қолинди. Парвариш вақтида агротехника талабларига қатъий риоя қилиш, илғор тажрибаларни амалда қўллаш ўз самарасини берди. Маромида озиқлантирилиб, сув ичган ғўза ниҳоллари май ойи охирларига бориб бир текис гулга кирди.

Июль ойи ўрталарида ҳар туп ғўзада 13-14 та ҳосил шохи ва 3-4 та бўлиқ кўсак санаш мумкин эди. Ўшанда даламизда бўлган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ишимиздан қаноат ҳосил қилишди. Танлаб чеканка ўтказаётганимизни кўриб, жуда мақбул топишди.

Мана бугун далаларимизда ўзгача тароват. Лўппи-лўппи бўлиб очилган пахтамиз кўзни қувонтиради. Бу йил ҳосилимиз 15-20 кун эртаги. Қўл теримига ҳам эрта тушиб кетдик.

Хуллас, ҳамма гап одамнинг ўзига, унинг меҳнатига боғлиқ. Ерга берсанг, ер ҳам беради. Табиат қонуни ўзи шунақа, Деҳқоннинг меҳнат заҳмати, унинг ерга берган меҳр кўри алоҳида салмоққа эга. Республикамиз ҳукумати ҳам ана шуни ҳисобга олиб пахтакорларимиз турмуш-турмушига астойдил қайишмоқда. Ҳар йили пахтанинг харид нархлари оширилмоқда, ҳосилни йиғиб териб олишда катта имтиёзлар яратиб берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 июлдаги «1995 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунга яна бир мисолдир. Қарорга кўра бу йилги пахта ҳосилининг харид нархлари пахта толасининг жаҳон улгуржи нархларининг камида 60 фоизини ташкил этишдан келиб чиқиб белгиланди. Топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида энди барча пахта харид ҳажмининг 40 фоизигача бўлган қисми қолдирилади. Пахта толасига давлат буюртмаси эса, 60 фоизгача пасайтирилди.

Ҳукуматимизнинг янги пахта йиғим-терими мавсуми олдидан қабул қилган бу қарори дала меҳнаткашлари, аввало, пахтакорларимиз ҳақидаги яна бир катта ғамхўрликдир.

**Й. СОТТИБОЕВ,**
**Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи.**

*Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар. ✪ Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар. ✪ Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар.*

### БЕКОБОДНИНГ ЛАГАН ВА КОСАЛАРИ

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти таркибида сопол идишлар тайёрлаш цехи ишга тушди. Бу ерда ўрнатилган 2 та дастгоҳни «Цементтаъмир» жамоаси тайёрлади. Комбинатда узоқ йиллар давомида ишлаган меҳнат фахрийси Абдумажид Абдуқодиров қолиплар тайёрлаб бермоқда. Сопол идишлар учун ишлатиладиган хом ашё кон цехи ҳудудидан ташиб келтирилаётир. Бундан ташқари сополбоп қизғиш тупроқ Бекобод шаҳар ҳудудидан топилгани ҳам харажатларни бирмунча камайтиришга имкон беряпти.

Миллий коса, лаган, гулдон, қумғон ва бошқа шу сингари маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цех ҳар 12 соатда 100 дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Кулолчилар келгусида цехни янада кенгайтириш, тайёр маҳсулотларни ҳамдўстлик давлатларига чиқаришни ҳам кўзда тутмоқдалар.

**А.АШУРОВ.**

*Ўртачирчиқ туманида*

### БОЗОР ИШ БОШЛАДИ, ГАЗ ЁҚИЛДИ

Туманда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида режалаштирилган кўпгина қурилишлар ниҳоясига етди. Хусусан, Туябўғиз қўрғонида шинамгина бозор фойдаланишга топширилиб, унинг атрофи ободонлаштирилди.

Акмал Икромов номли жамоа хўжалигининг Уйшун қишлоғи ҳамда ТИИИМСХ ўқув хўжалигининг Охунбобоев номли бўлимида истиқомат қилувчи хонадонлар соҳиблари биринчи бор табиий газдан фойдалана бошладилар.

Куни кеча туманнинг қатор хўжаликларида миллий усулда қад кўтараётган кўплаб дўконлар ҳам очилди.

### ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ўртачирчиқ тумани ҳокимлигида пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши муносабати билан қишлоқ оқсоқоллари, участка милиция нозирлари, мутахассислар ва фаолларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Қ. Деҳқонбоев шу куннинг муҳим вазифалари ҳақида гапирди.

— Туманимизда пахта йиғим-терими оммавий бошланиб кетди, — деди у. — Давлатга пахта топшириш режасини 15 октябргача бажаришни ният қилиб турибмиз. Бунинг учун энг аввало жойларда ташкилотчилик ва сафарбарлик ишларини изчил йўлга қўйишимиз зарур. Аҳоли осойишталигини таъминлаш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳар қандай жиноий кўринишларга қарши кураш оқсоқолларимиз, милиция ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Туманда махсус штаб фаолият кўрсата бошлади. Фаоллар турли хўжаликларга масъул қилиб бириктилди.

Йиғилишда пахта йиғим-терими қатнашчиларига савдо, маиший хизмат, техника ёрдами кўрсатиш, ўт ўчириш хизмати ва давлат назоратини кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**У. ҲАМИДОВ.**

### «АЭРОПОРТ» КАФЕДРАСИ ОЧИЛДИ

РЕСПУБЛИКА Олий таълим вазирлиги ва «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўзаро ҳамкорликда Тошкент автомобиль йўллари олийгоҳида «Аэропорт» кафедрасини очдилар. Шу кунгача мамлактимизда иккита ихтисослашган Олий ўқув юрти — Тошкент авиация институти ва Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти фаолият кўрасатаётганди. Эндиликда эса уларнинг ёнига Тошкент автомобиль йўллари иститути ҳам қўшилди. Бу ерда аэропортлар ва бошқа иншоотларни лойиҳалайдиган, қурадиган ва улардан фойдаланадиган мухандислар етишиб чиқади. Кафедра шунингдек йўловчи ва юк ташийдиган ҳаво кемаларининг учиши хавфсизлигини таъминлайдиган илмий ходимларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

**Т.СУННАТОВ.**

### ЭНДИ «ШАМПАН» ЎЗИМИЗДАН

«ПАРКЕНТШАРБАТ» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Асосий маҳсулот шампан шарбати тайёрлаш учун зарур хом ашё ҳисобланган турли навли ширин-шакар узум туманда катта ҳажмда етиштирилади. Фақат уни қайта ишлайдиган янги қувватлар керак эди. Шу мақсадда чет эллик фирмаларга мурожаат қилишга тўғри келди. Тез орада шерик ҳам топилди. Москвадаги «Шампан» корхонаси ёрдамга келди. У билан биргаликда «Ўзбекистон — Россия — Паркент — шампан» қўшма корхонаси очилди.

— Қўшма корхонамизда иш икки сменада ташкил этилди. Бу 50 нафарга яқин паркентликларнинг иш билан таъминлаш имконини берди, — дейди қўшма корхона раиси Довул ака Муллажонов. — Корхона тўла қувват билан ишласа йилига халқимизга 3 миллиондан зиёд шиша шампан виноси тортиқ қилинади. Маҳсулотимизни республиканинг ички бозорида, шунингдек МДҲ давлатларида сотамиз. Йил охиригача эса ками билан 300 минг шиша шундай шароб ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.







• *Суратларда: қўшма корхона иш жараёни ва маҳсулотларидан намуналар. Д. АҲМАД суратлари.*

### ҚИШЛОҚДА НОН ЗАВОДИ

Қибрай туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигининг «Тараққий» қишлоғида Россиянинг «Дока хлеб» фирмасининг ускуналари билан жиҳозланган нон заводи ишга туширилди. Бу ерда ҳар куни бир тонна нон ва нон маҳсулотлари ёпилмоқда.

**ЎзА.**

* * *

Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги ишбилармони Й. Йўлдошев қишлоқда янги нонвойхона очди. Тандирдан узилган нонлар тўйимлилиги, бозордан анча арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

**И. ХОЛТУРСУНОВ.**

*Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар. ✪ Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар. ✪ Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар.*

### ҚУТЛУҒ ТЎЙ ТАРАДДУДИ

11 сентябрь куни буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари С.Саидқосимов бошқарди.

Йиғилишда келгуси йилнинг кузида нишонланадиган юбилей тадбирларига тайёргарликнинг бориши, хусусан, Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги бирламчи ёзма асарларни чоп этиш, у ҳақда махсус илмий-оммабоп китоб тайёрлаш, пойтахтимизда музей барпо қилиш, халқаро илмий анжуман ўтказиш каби масалалар муҳокама этилди. Мажлисда иштирок этган тегишли вазирлик, қўмита ва идоралар раҳбарлари, таниқли олимлар, тарихчилар, адиблар амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Буюк соҳибқироннинг таваллуди тўйи тобора яқинлашиб келаётгани, унга пухта тайёргарлик кўриш лозимлиги таъкидланди ва бу борадаги зарур вазифалар белгилаб олинди.

**(ЎзА).**

### АМИР ТЕМУР ТЎҒРИСИДА РОМАН

Таниқли тарихчи олим Б. Аҳмедов буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга бағишланган тарихий романини ёзиб тугатди. Китоб Амир Темурни яхши билган тарихчи олимлар — Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Мирхонд, Хондамир каби алломаларнинг асарлари, соҳибқироннинг Франция, Англия, Туркия ва Венеция ҳукмдорлари билан ёзишмалари, шунингдек, бобокалонимиз тўғрисида битилган кўпгина бошқа манбааларни таҳлил этиш асосида ёзилган.

**(ЎзА).**

